ЎЗГА ТИЛЛИ ГУРУҲЛАР УЧУН РУС ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ЛУҒАТ ИШИНИНГ АҲАМИЯТИ

Гулнора Зиядуллевна Наркузиева
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада рус тили дарсларида ўқувчиларнинг сўз бойлигини самарали бойитишга, ибораларни ўрганишга ва уларни нутқда ўринли ишлата олишга кўмаклашувчи вазифа ва машқларнинг оптимал турлари кўриб чиқилган. Луғат ишининг анъанавий турларидан фойдаланиш билан бир қаторда, нутқни ривожлантирувчи ва ўқувчилар дунёқарашини кенгайтирувчи сўз бойлигини оширишнинг инновацион усуллари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: луғат иши, янги сўзлар, сўз бойлиги, инновацион усуллар, нутқ мазмуни, таржима, фразеологизмлар.

THE IMPORTANCE OF WORKING WITH DICTIONARY IN LEARNING RUSSIAN FOR OTHER LANGUAGE GROUPS

Gulnora Ziyadullevna Narkuziyeva
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article discusses the optimal types of tasks and exercises that help students to effectively enrich their vocabulary in the Russian language textbook. In addition to the use of traditional types of vocabulary work, innovative ways to increase vocabulary that develop speech and broaden teachers' worldviews are also demonstrated.

Keywords: dictionary work, new words, vocabulary, innovative methods, speech content, translation, phraseology.

КИРИШ

Ҳар қандай тилни ўрганиш жараёнида лўғат иши муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай экан, тилшунос ўқитувчи ўқувчиларнинг сўз бойлигини яхшилаш ва бойитиш масаласини биринчи навбатга қўйиши лозим. Чунки, луғат иши дарснинг қўшимча бир қисми эмас, балки тил ўрганишнинг асосидир. Луғат ишида ўқувчи янги сўзни кўриши, ўқиши, тўғри эшитиши ва ёзиши лозим.

Чунки тил ўрганиш жараёни эшитиш, ўқиш, гапириш ва ёзиш орқали амалга ошади. Янги сўзларни ўргатишнинг турли усуллари мавжуд, лекин янги сўз билан танишиш жараёнига муҳим талаблар ҳам бор. Янги сўзлар билан танишиш ўқувчи учун зерикарли ўқув вазифани бажариш эмас, балки ҳоҳиш-истак билан бажариладиган қувноқ, қизиқарли бўлиши керак. Янги сўзларни ўрганишда асосан қўйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Орфоэпик жиҳатига(доскада ёзилган сўз талаффуз этилиши лозим);
2. Лексик жиҳатига (сўзнинг маъносини аниқлаш);
3. Орфографик жиҳатига (сўзни тўғри ёзиш);
4. Бошқа сўзлар билан контекстда келиши (сўз бирикмаси ёки гап тузиш).

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сўзни тўғри талаффуз қилиш урғуни тўғри қўйишга боғлиқ. Буни орфоэпик диктант ўтказиш йўли билан мустаҳкамлаш мумкин, масалан: *учИтельница, алфавИт, библиотЕка, водопровОд, диалОг, звонИть, каталОг* ва бошқалар. Ёки айрим ундошларнинг талаффузи, масалан: что - [што], чтобы- [штобы], его-[ево], моего -[маево], конечно - [канешна], скучно- [скушна] ва шунга ўхшаш.

Ижодий диктант усули билан сўзларнинг маъносини аниқлаш мумкин. Сўзларнинг изоҳи берилади, талабалар сўзнинг ўзини топиб ёзади, масалан:

1. Краткая характеристика содержания книги, статьи или рукописи. (Аннотация);
2. Первая учёная степень, приобретаемая за 4-5 лет обучения в вузе.(Бакалавр);
3. Сборник слов с пояснениями, толкованиями или с переводом на другой язык. (Словарь);
4. Человек, занимающийся спортом. (Спортсмен);
5. Краткое изложение или краткая запись содержания чего-нибудь.(Конспект);
6. Устное изложение учебного предмета или какой-нибудь темы. (Лекция).

Айрим сўзларнинг маъноси уларнинг ёзилиши (орфография)сига боғлиқ, масалан: развевать (*флаг*)-развивать (*способность*); поласкать (*собаку*) – полоскать (*бельё*); сыновья (*матерей*) – сыны (*Родины*); зубы (*у человека, у животных*) – зубья (*на инструменте, на машине*) ва бошқалар.

Сўзни тушуниб, англашда ижобий таассурот унга бўлган қизиқишни оширади ва хотирада мустаҳкам жойлашиб қолади. Мана шу учун сўзнинг луғавий маъносини очиб бериш билан чекланиб қолмасдан, уни ҳаётий мазмун билан тўлдириш керак. Ўқувчига таниш бўлган вазиятлардан фойдаланиб,

сўзнинг маъносини очиб беришга ҳаракат қилиш керак. Матнда учрайдиган кўп маъноли сўзларни таржима қилишда муаммолар юзага келади. Бундай сўзларнинг барча маъноси билан таниш бўлмаган ўқувчи албатта таржима қилишда қийинчиликка дуч келади. Битта сўз бир неча маънода келиши мумкин. Гапнинг маъносига қараб қайси маънода келганлигини ажрата олган ҳолда тўғри таржима қилиш мумкин.

Масалан: "*Часто"* сўзи кўп маъноли сўз бўлганлиги сабабли гапларда турли маъноларда келиши мумкин:

1. *Частые встречи. Часто ходить в театр*. гапларида "часто" сўзи - қисқа вақт оралиғида такрорлаш, тез-тез маъносида келган бўлса, 2. *Частый лес. Частый гребень.* мисолларида "часто" сўзи - бир бирига яқин, (зич, қалин) жойлашган маъносида келган.

Ёки *"Вам, высокой и стройной девушке, это платье пойдёт"* – гапида, "*пойдёт*" - *ярашади* маъносида ишлатилган. Бу сўзнинг бошқа маъноларини билмаслик туфайли, нотўғри таржима қилиниши табиий. "*Пойдёт"* - *боради, ярашади*, *бўлади, тўғри келади* маъноларини ҳам англатади. Бу ҳолда ҳар бири мисоллар орқали тушунтирилса, кўпроқ эсда қолади ва қизиқишни оширади. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Янги сўзларни доскага ёзиш ёки таржимаси билан қисқача таништириб ўтиш зерикарли ва яхши самара бермайди. Бу сўзлар билан танишганда улар иштирокида гаплар тузиш йўли билан мустаҳкамлаш керак ва бир неча дарсда такрорлаб бориш лозим.

Талабаларнинг сўз бойлигини ошириш – нутқ мазмунини бойитиш демакдир. Бу сўзлар сонини кўпайтириш эмас, балки мавжуд захирани "интенсивлаштириш" орқали амалга оширилади. (полисемияни англаш, сўзнинг ифодалилиги, синонимлардан фойдаланиш ва бошқалар.) Бунда, албатта, иборалар (фразеологизм)ни билиш катта аҳамиятга эга. Ибораларни ўз ўрнида тўғри ишлатиш ҳам нутқни устиради. Рус тилидаги иборалар билан таништириш жараёнида уларнинг маъносини тушунтириб бериш билан чегараланмасдан, қизиқарли усуллардан фойдаланиш самаралироқдир. Аввалambор, уларнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида сўзлаб бериш катта қизиқиш ўйғотади, дунёқарашни кенгайтиради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Масалан, қўйидаги ибораларнинг келиб чиқиши тарихи кичик матнлардан иборат. Бу матнларни таржима қилиш жараёни ҳам қизиқарли, ҳам

дунёқарашни кенгайтиради. Бундан ташқари, матндаги янги сўзлар билан ишлаш мумкин, матнни диктант қилиб ёзиш мумкин ва сўзлаб бериш мумкин:

Рассмотрим примеры: «Тянуть канитель»

Вы, конечно, слышали это выражение, а, возможно, употребляли в собственной речи со значением — «медлить, делать что-либо очень долго».

А задумывались ли вы когда-нибудь над тем — что такое канитель и почему ее надо тянуть?

В старину медные, серебряные и золотые нити для церковных риз и офицерских эполет, а также и для вышивки по бархату изготовлялись вручную. Мастера нагревали до белого каления металл и осторожно вытягивали клещами тонкую проволоку, которая и называлась *канитель.*

«Колесо Фортуны»

Фортуна — в римской мифологии богиня слепого случая, счастья и несчастья. Она изображалась с повязкой на глазах, стоящей на шаре или колесе. Она держит в одной руке руль, а в другой — рог изобилия. Руль указывает на то, что Фортуна управляет судьбой человека, рог изобилия — на благополучие, изобилие, которое она может подарить.

Шар или колесо символизируют шаткость, ненадежность, постоянную изменчивость Фортуны. Выражение «колесо Фортуны» употребляется в значении: «случай, слепое счастье».

«Козел отпущения»

В Библии рассказывается о том, что у древних евреев существовал особого рода обряд. В день грехоотпущения первосвященник возлагал обе руки на голову живого козла. Это был знак возложения на козла всех грехов народа. Проклятый таким образом козел изгонялся в пустыню. Вполне понятно, что козлом отпущения называют человека, на которого сваливают чужую вину.

Ибора (фразеологизм)лар билан турли хил лингвистик ўйинлар ўтказиш мумкин, масалан:

«Четвертый лишний»

В каждом из столбцов найдите четвертый лишний фразеологизм; объясните, почему он «лишний», и составьте с ним по предложению.

1) хоть пруд пруди
кот наплакал,
тьма-тьмущая,
яблоку негде упасть

2) во все лопатки,
сломя голову,
черепашьим шагом,
в мгновенье ока

3) слово в слово
тютелька в тютельку,
вилами на воде писано,

4) попасть впросак,
попасть на седьмое небо,
попасть в переделку,

комар носа не подточит попасть в переплет.

«Составь пару»

Талабаларга икки турдаги карточкалар тақдим этилади. Бирида иборалар, иккинчисида уларнинг маъноси. Улардан, бир-бирига мос келадиганини топиб, жуфтликлар тузиш керак бўлади, масалан:

Рукой подать – очень близко; белая ворона – человек, отличающийся от других; держать верх – быть лучшим; черепашьим шагом – медленно; делать из мухи слона – преувеличивать; капля в море – очень мало, ва бошқалар.

Талабалар сўз бойлигини оширишда қўйидаги усулдан ҳам фойдаланиш мумкин:

Машғулот бошланиши билан талабалар сўз ўйини ўтказишади. Бирор бир ҳарфни танлаб, олдиндан сўзлар топиб келишади. Биринчи талаба сўзни айтади, иккинчи талаба биринчи талаба айтган сўзни қайтаради ва ўзининг сўзини айтади. Учинчи талаба иккита сўзни ҳам такрорлаб, ўзининг сўзини айтади, шу тариқа занжирсимон давом эттиришади. Биринчи қатордаги талабалар охиридан олдинга қараб қайтаришади. Ўйин тугагач, янги сўзларнинг таржимасини луғат дафтарларига ёзиб олишади. Бу ўйин нафақат луғат бойлигини ошириб, талаффузни яхшилайди, балки хотирани ҳам мустаҳкамлайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, машғулотларда тўғри ташкил этилган луғат иши тилга бўлган қизиқишни уйғотади. Доимий олиб бориладиган луғат иши талабаларнинг сўз бойлигини оширишга ёрдам беради, нутқини ўстиради ва, умуман, саводли ёзиш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради. Мунтазам такрорлаб борилган сўзлар хотирада мустаҳкамланиб боради ва амалда тўғри қўллашга ёрдам беради. Рус тилини чет тили сифатида ўрганишда шаклланган коммуникатив компетенция сифатини сезиларли даражада ошириш зарурати янги технологиялар ва ўқитиш воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Мақолада луғат ишининг анъанавий турларидан фойдаланиш билан бир қаторда, замонавий педагогик технология, инновацион усуллар асосида дарсларни ташкил этиш орқали таълимнинг сифат-самарадорлигини ошириш ҳақида фикр юритилган.

REFERENCES

1. Бадалова, Б. Т. (2019). Литература как метод преподавания иностранного языка. *Молодой ученый*, (6), 197-198.

2. Зиядуллаевна, Н. Г., & Тахировна, М. Т. (2020). Обучение студентов к иновационной педагогической деятельности на основе кластера. *Суз санъати,(3).*
3. Рустамова, С. Э. (2020). Применение технологии полного усвоения знаний в высшем образовательном учреждении. *Academic research in educational sciences*, (3).
4. Ражабов, Г. К., Каландаров, Д. Ш., & Каримов, Ш. К. (2016). Влияние изменений правил соревнований и судейства в боксе на тренировочный и соревновательный процесс. *Молодой ученый*, (21), 974-976.
5. Тажибаев, С. С., & Серебряков, Ю. В. (2015). Динамика общей и специальной физической подготовленности боксеров юношей, занимающихся боксом на этапе начальной спортивной специализации. *Молодой ученый*, (2), 109-111.
6. Tajibayev, S. S. (2016). Use of innovative technologies in registration and processing of indicators of special efficiency of athletes. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *4*(2).
7. Ражабов, Г. К., Каландаров, Д. Ш., & Каримов, Ш. К. (2016). Влияние изменений правил соревнований и судейства в боксе на тренировочный и соревновательный процесс. *Молодой ученый*, (21), 974-976.
8. ПЎЛАТОВ, С. (2020). 14-16 ёшли футболчилар ҳужумларини ташкил қилишларида ҳажм ва сифат кўрсаткичларини таҳлили. *Фан-Спортга*, (3), 26-28.
9. Masharipova, R., Togaynazarov, S., Pakhrudinova, N., Khasanova, G., & Abdurahimo, B. (2020). The main factors of formation and physical culture in society. *Systematic Reviews in Pharmacy*, *11*(12), 615-621.
10. Люлина, Е. С., & Мирзакулов, Ш. А. (2019). Эффективность применения таксономии Блума в педагогическом процессе вуза (на примере направления" спортивная деятельность"). *Физическая культура. Спорт. Туризм. Двигательная рекреация*, *4*(2).
11. Кдырова, М. А., & Абатова, Г. Н. (2021). Профессионально-педагогическая подготовленность тренеров и возможности её совершенствования с использованием обучающих тестов (в примере волейбола). *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
12. Juraev, A. M. (2020). Process of the transformation of peacefulness into moral need of spiritual ascension. *International Journal of Psychosocial Rehabbilitation*, 4396-4401.
13. Ольховская, И. В., Шукурова, С. С., & Очилов, К. Т. (2020). Криптовалюта-новый шаг в мировой экономике. *Проблемы современной науки и образования*, (2 (147)).
14. Шукурова, С. С., Маматова, З. А., & Юсупова, У. Р. (2020). Исследование количественного содержания аминокислотного спектра мембран эритроцитов и

роль генетических и средовых факторов в ее формировании. *Интернаука*, (19-1), 21-22.

15. Адилбеков, Т. Т., Маматова, З. А., Файзулаева, З. Р., Шукурова, С. С., & Тухтаева, Ф. Ш. (2020). Влияние физической нагрузки на систему" двигательное окончание-мышечное волокно". *Молодой ученый*, (9), 75-77.

16. Шукурова, С. С., & Алимова, Д. А. (2020). Развитие тренировочных нагрузок высококвалифицированных боксеров в горных регионах. *Молодой ученый*, (4), 454-456.

17. Владимировно, У. И. (2021). Бадиий гимнастикада спортчи қизларнинг предметлар билан ўзаро ҳаракатининг индивидуал биомеханик хусусиятлари (сифатлари, имкониятлари). *Academic Research in Educational Sciences*, *2*(1).

18. Abdukhalilova, D. (2019). The formation of double words and their place in linguistics. *Proceedings of the scientific-practical conference "Young philology of Uzbekistan - 2019"*, *1*(30), 172-173.

19. Abdukhalilova, D. (2020). Morphological features of double words in German and Uzbek languages. *"Current issues of foreign philology and linguodidactics"*, *1*(30), 111-113.

20. Abdukhalilova, D. (2020). Morphological features of double words in German. *Scientific discussion: problem solving and achievement. proceedings of the republican scientific-practical conference*, 117-118.

21. Хайитов, О. Э., & Эшбоев, А. О. (2019). Спортивный маркетинг в Узбекистане: проблемы и перспективы. *Economics*, (5 (43)).

22. Eshboevich, H. O. (2020). Modeling The Psychological Competence Of Higher Education Leaders (In The Example Of Mid-Level Management Staff). *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *2*(08), 55-61.

23. Hayitov, O. E. (2020). Levels of leader psychological competence. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *8*(10).

24. Обобщающие таблицы и упражнения по русскому языку. Н.М.Лебедев. 1991г.

25. Учебное пособие для учащихся школ с русским языком обучения.
Т.Т. Кельдиев, П.Б. Лукошникова. 2012г. «Шарқ».

26. Учебное пособие для 9 класса средней школы. В.И. Зеленина,
О.В. Кон. 2001г. «Узбекистан».

27. Учебник для 11 класса школ с узбекским языком обучения. А.А. Азизов, И.М. Дмитриева, М.А. Рогожина. 1995г. «Ўқитувчи».